2010 йил — Баркамол авлод йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 6 DEKABR, YAKSHANBA, 144-145 (7606) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР

### Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли дўстлар!

Шу кунларда халқимиз давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг катта, алоҳида ўрин олган кутлуғ байрамлар қаторида мустақиллигимизнинг тамал тошини қўйган, эркин ва обод келажагимизнинг пойдеворини белгилаб берган Конституциямиз қабул қилинган кунни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонламоқда.

Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни шу буюк айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Ҳақиқатан ҳам, биз бундан 17 йил олдин, яъни 1992 йил 8 декабрь куни моҳияти ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган, том маънода тарихий ҳужжатни — ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизни қабул қилиш билан ўзини оқламаган эски тузумдан бутунлай воз кечиб, янги давлат, янги жамият қуриш йўли ва имкониятларини очдик.

Айнан ана шу кундан бошлаб юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда.

Бугун ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолар эканмиз, аввало Конституциямизнинг асосий принциплари ва қоидалари негизида қабул қилинган қонун ва дастурлар бўйича давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий қурилиш борасида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини қайд этишимиз табиий, албатта.

Мамлакатимиз эришган бундай улкан марраларнинг барчасини бутун дунё тан олаётганини кўриб, Асосий қонунимиз белгилаб берган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Ҳаммамизга маълум, бу йил Конституциямиз байрамини нишонлаш алоҳида маъно-мазмун ва аҳамият касб этмоқда. Бунинг сабаби шундаки, шу йил 27 декабрь куни мамлакатимизда парламентга ва жойлардаги вакиллик органлари бўлган маҳаллий кенгашларга умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Юртимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа бўлмиш ана шу сайловларни Конституциямиз ва сайловлар ҳақидаги тегишли қонунларимиз талабларига, халқаро андоза ва нормаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда, муносиб тарзда ўтказиш мақсадида, мана, кейинги уч ой мобайнида Марказий сайлов комиссияси раҳбарлиги ва назоратида кенг кўламли ва катта ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда умумэътироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимизга асосланган мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий замин яратилди.

Охирги йилларда, хусусан, мана шу йилнинг бошида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизимига замон талаблари ва халқаро андозаларга мос бўлган, аввало, сайлов қонунларини янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадларига қаратилган ўзгартириш ва янги нормаларнинг киритилгани эътиборга сазовордир.

Айниқса, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ишончли вакиллари сонини кўпайтириш, сайлов жараёнида уларга қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар бериш, умуман, сайловчиларнинг ҳуқуқини кенгайтиришни кўзда тутадиган бу имкониятлар сайлов тизимини янада такомиллаштиришга катта ҳисса бўлиб қўшилади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган бир қанча ўзгаришлар қаторида бўлажак сайловларда фуқаролар иштирокининг кўламини кенгайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Ва шунинг ҳисобидан, аввало, атроф муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги тамойил жорий этилди. Яъни, мамлакат парламентидаги депутатлик ўринлари сонига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 та ўрин ажратилди.

Энг муҳими, сайлов қонунчилигида Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш масаласига алоҳида аҳамият берилди.

Бизнинг қонунларимизда қайд этилганидек, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнига ҳеч кимнинг, авваламбор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашишга ҳаққи йўқ. Бундай ҳолатларга йўл қўйиш қонунда қатъиян ман қилинган ва бунга қўл урган шахсларга нисбатан чора кўриш, керак бўлса, уларни тегишли жавобгарликка тортиш ҳам белгилаб қўйилган.

Ана шу фикрларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси, **авваламбор, сайловларни очиқлик, эркинлик ва ҳаққонийлик асосида ўтказишга қаратилганини қайд этиш лозим.**

Бир сўз билан айтганда, шу юртда ғурур ва ифтихор билан яшаётган ҳар қайси инсон, ўйлайманки, навбатдаги сайлов барчамиз учун муҳим синов, таъбир жоиз бўлса, жиддий имтиҳон эканини яхши тушунади ва англайди.

Бўлғуси сайловларга айнан шу кўз билан қарайдиган бўлсак, бу имтиҳон биринчи навбатда қуйидаги мезон ва талаблардан иборат бўлишини ўзимизга тасаввур қилишимизни истардим:

**аввало,** бу жараён сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигининг ҳаётимиздаги тасдиғини синаш демакдир;

**иккинчидан,** бу жараён юртимизнинг сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётганини, ҳар қайси партия ўзига хос, ўзига мос мақсадлари ва ҳаракат дастури билан сайлов майдонига чиқиши ва сайловчиларнинг овози учун ўзаро кураш олиб боришини англатади;

**учинчидан,** қонун устунлиги ва унинг барчага тенглигининг намойиши бўлиб, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар ва ҳар қайси номзоднинг сиёсий қарашлари ва эътиқодидан қатъи назар, уларнинг ҳаммасига тенг имконият ва шароит туғдириб беришни билдиради;

**тўртинчидан,** мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг савияси ва етуклик даражасини кўрсатади;

ва ниҳоят, **бешинчидан,** бу сайловлар аҳолимизнинг сиёсий-ижтимоий савияси ва маданияти, фуқаролик онгини имтиҳондан ўтказади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, ана шундай мураккаб ва масъулиятли сиёсий синовдан ўтишга, бу сайлов жараёнларини ривожланган демократик давлатларда амал қилаётган сайлов тизими даражасида ўтказишга биз қанчалик тайёрмиз?

Нафақат сайловни ташкил этишга бевосита масъул бўлган Марказий сайлов комиссияси ва унинг жойлардаги тузилмалари, сиёсий партиялар фаоллари ва ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилигимиз, балки бугун овоз беришга тайёргарлик кўраётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир сайловчи бу саволни ўзига бериши албатта ўринли ва айни муддао бўлур эди.

Чунки, юқорида тилга олинган ва биз амалга оширишимиз зарур бўлган ўта муҳим омиллар демократик асосда ривожланиб бораётган ҳар қандай жамиятнинг етуклик даражасини акс эттиради.

Бу талабларга амал қилиш — бу шунчаки бир мақсад эмас, авваламбор эркин ва озод яшаш, ҳар томонлама фаровон ҳаёт қуриш дастурининг ўзагини ташкил қилиб, юксак тараққиётга эришишнинг ҳал қилувчи узвий қисми ва асосий йўли эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз тобора англаб бормоқдамиз.

Айтиш керакки, биз бу йўлни кимгадир кўз-кўз қилиш, кимнингдир олдида намойиш этиш учун танлаганимиз йўқ.

**Бу йўл қандай оғир ва мураккаб бўлмасин, такрор-такрор айтаман, бизнинг миллий манфаатларимизга, асрлар давомида интилиб келган орзу-ниятларимизга тўла жавоб берадиган тараққиёт йўлидир.**

Шу билан бирга, барчамиз яна бир ҳақиқатни чуқур тушунамиз — биз кўзлаган марраларга эришиш, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан ўзимиз истаган, тараққий топган давлатлар қаторига чиқиш учун ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Бу борада энг асосий масала — амалга оширган ишларимизга танқидий баҳо бериш, манманликка берилмаслик, халқаро тажриба ва ўзгаларнинг ютуқларига беписанд қарамаслик, ҳаётимизда бу йўналишда ҳали-бери учрайдиган ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборат. Бу ўткир ҳақиқатни аввало ўзимиз англашимиз ва амалий хулосалар чиқаришимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ғоят муҳим ўрин тутади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, олдимизда турган, мамлакатимиз ҳаётида, ҳақиқатан ҳам катта бир сиёсий воқеа бўлмиш сайловларни муносиб ўтказиш мақсадида баъзи бир долзарб масалаларга яна бир бор тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

**Биринчидан,** Конституциямиз ва шу асосда қабул қилинган, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ҳақидаги қонунларга, шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан белгилаб берилган қоида ва нормаларга риоя қилиш, уларни сўзсиз бажариш барчамизнинг, ҳар қайси сайловчининг асосий бурчи бўлишини хоҳлардим.

Айниқса, баъзи бир сайловчиларимизга майда ёки ортиқча бўлиб туюладиган, умумэътироф этилган сайлов қоидаларига мос келмайдиган айрим ҳолатлар бўйича кузатувчилар томонидан — булар халқаро ташкилотлар ёки ўзимизнинг ижтимоий-нодавлат ташкилотлар вакиллари бўладими — билдириладиган эътирозларга ҳурмат билан қараш, уларнинг фикрларига эътибор бериш, қандай расмиятчилик бўлиб кўринмасин, бу талабларни албатта бажо келтиришимиз керак.

Энг муҳими, четдан туриб сайлов жараёнларига аралашиш, уларга таъсир ўтказишга уриниш каби ножўя ҳаракатлар бутунлай ман этилишини барча сайлов иштирокчилари, ким бўлишидан қатъи назар, чуқур англаб олишлари даркор.

**Иккинчидан,** яна бир бор айтиб ўтишга тўғри келади — қонун барчага тенг. Бинобарин, барча партиялар ва уларнинг номзодлари учун сайловолди жараёнларида, матбуот, телевидение орқали ва сайловчилар билан бўладиган мулоқот ва учрашувларда, улар олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларида тенг ва бир хил шароит туғдириб бериш, уларнинг ҳуқуқ ва интилишларига бир кўз билан қараш, ҳеч кимни ажратмаслик, айтиш керакки, айни шу масалалар сайловни юксак савияда ўтказишда энг катта ва муҳим ўрин тутади.

Бу масалалар учун масъул бўлган ташкилотлар томонидан ҳеч қандай истисно ёки кимгадир алоҳида эътибор бериш ҳолатларига асло йўл қўйилмаслиги шарт.

**Учинчидан,** аслида сайлов дегани — бу аввало ўз ҳуқуқини англаган ҳолда, эркин танлаш ва онгли овоз бериш демакдир.

Шу билан бирга, сайловда қатнашиш ҳар биримиздан нафақат Конституциямиз кафолатлаб берган овоз бериш ҳуқуқини бажо келтиришни, балки фуқаролик бурчимизни чуқур англаш ва бу масалага катта масъулият билан қарашни ҳам талаб қилади.

**(Давоми 2-саҳифада)**

**Юртдошларимиз энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини ўзгача интиқлик билан кутади. Истиқлол шодиёналари ҳар бир хонадонга кириб боради, ҳар бир қалбга қувонч бағишлайди. Айниқса, анъанага мувофиқ Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонлари билан эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига улкан ҳисса қўшган юртдошларимизнинг юксак мукофотлар билан тақдирланиши миллий байрамимизга янада улуғворлик бағишлайди.**

**Оқсаройда 5 декабрь куни ана шу мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.**

**— Бугун сиз, азизлар билан мана шу муҳташам залда кўришиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишдан бениҳоя хурсандман, — деди давлатимиз раҳбари.**

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

### Оқсаройда 5 декабрь куни Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлди

Ҳар йили Конституция куни арафасида Мустақиллик байрами муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган юртдошларимизни қутлаш, уларга ана шу мукофотларни топшириш анъанавий бир тантанага, олижаноб бир одатга айланиб бормоқда. Сиз, мамлакатимиз мукофотларига сазовор бўлган вакиллар билан мана шу муаззам саройда учрашар эканман, сизнинг тимсолингизда мен ўзимни бамисоли бутун Ўзбекистон бўйича мукофотланган ватандошларимизни ҳам шу ерда қабул қилаётгандек ҳис этаман. Сиз, ҳурматли юртдошларимга Ватанимиз мукофотларини топширишни ўзим учун катта шараф деб биламан, деди Президентимиз.

Ҳеч кимга сир эмас, якунига етаётган 2009 йил мамлакатимиз, юртимиз учун осон йил бўлмади.

Бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон миқёсида давом этаётгани ҳақида, бу инқироз қандай оғир муаммоларни туғдираётгани, ишсизлар сони кўпаяётгани, иқтисодий ривожланиш суръатлари ва аҳолининг турмуш даражаси пасайиб бораётгани ҳақида, ўйлайманки, барчангиз хабардорсиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамизки, дунёдаги барча давлатлар ва халқларнинг бошига тушган бундай савдодан бизнинг мамлакатимиз ҳам четда қолаётгани йўқ.

Бу табиий бир ҳол. Нега деганда, бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қаторида дунё бозорининг ажралмас узвий бир қисмига айланмоқда, келажакда бу алоқалар бундан ҳам мустаҳкамланиб боради.

Айнан мана шундай оғир бир вазиятда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига салбий таъсир ўтказаётган инқирозни юмшатиш ва бартараф этиш, лўнда қилиб айтганда, тараққиётимиз суръатларини сақлаш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини янада ошириш вазифалари нақадар мураккаб эканини тушуниш, англаш қийин эмас, албатта.

Ўзбекистонимиз дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида бундай натижалар ва юксак марраларга эришаётгани, жаҳон жамоатчилиги буни тан олаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

**(Давоми 3-саҳифада)**

### 5 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида"ги Қарори бажарилишининг бориши ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Мажлисда қайд этиб ўтилдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакатимизнинг иқтисодий стратегиясини амалга ошириш, Ўзбекистонда қабул қилинган ислоҳотлар ва модернизациялашнинг ўз моделини изчил рўёбга чиқариш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ҳамда унинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш борасида қўйилган дастурий вазифаларнинг бажарилиши иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари сақланиб қолишини таъминлади. 2009 йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари 9,1 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш 3,3 фоизга, хизматлар кўрсатиш 15,8 фоизга ошди. Мамлакатимиз экспортчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинаётган маҳсулотлар номенклатураси ва экспорт бозорлари географияси кенгайди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 2,3 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ бўлиши таъминланди.

Инқирозга қарши чоралар дастурини бажаришда маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган бўлиб, улар белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол ва бевосита қатнашишлари керак.

**(Давоми 3-саҳифада)**



*Мустақилликнинг илк йилларидан буён ўтган вақт давомида ёшларимизнинг чуқур билим олишлари ҳамда касб-кор сирларини эгаллашлари учун улкан замин яратилди. 2010 йил — Баркамол авлод йилида келажагимиз бўлган ёшларимиз учун улкан муваффақиятлар эшиги янада кенгроқ очилади.*

## БУНЁДКОРЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Юртбошимиз амалга ошираётган изчил ислоҳотлар, бетимсол бунёдкорлик ишларимиз асосида, демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимиз моҳиятида, онгу шууримиздаги ўзгаришлар, турмушимиздаги фаровонлик замирида Бош қомусимизнинг қоида ва талаблари мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

Теран тарихий илдизларимизни, кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларимизни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини, халқимизнинг орзу ва интилишларини ўзининг ғоя ва нормаларига чуқур сингдирган Конституциямизнинг ҳаётий негизи ғоят мустаҳкамдир. Эришаётган юксак марраларимиз Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган принципларнинг нақадар тўғри эканини кўрсатиб турибди.

Ўтган давр мобайнида халқимизнинг азму шижоати, фидокорона меҳнати туфайли улкан ютуқлар қўлга киритилди. Буни мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг барқарор ўсиш суръатларида, аҳоли фаровонлигининг изчил ва мунтазам ошиб бораётганида, қишлоқ ва шаҳарларимиз янада обод бўлиб, янгича қиёфа касб этаётганида яққол кўриш мумкин.

Жаҳон ҳамжамиятида "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган дастури ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирини бартараф этиш, унинг мувозанатли ривожланиш ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш имконини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,0 фоизни ташкил этгани, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмагани фикримизни тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг буюк яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳияти, ижтимоий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурида юз бераётган чуқур ўзгаришлар юртимиз ривожини таъминлашга, Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлар экан, бу борадаги эзгу ишларимизни янада жадал суръатларда давом эттириш учун олдимизда турган муҳим масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Президентимиз ташаббуси билан 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус Давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бундай улкан ишлар замирида юртдошларимиз, хусусан, қишлоқларда яшайдиган инсонлар турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизни янада яхшилаш сингари эзгу мақсадлар мужассамдир.

Қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини тубдан яхшилаш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш бўйича олиб борилаётган улуғвор ишлар изчил давом этмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йилга муайян ном бериш хайрли анъанага айланган.

Шу анъанага мувофиқ Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги — 2010 йилни "Баркамол авлод йили" деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти билан якунланди.

**(ЎзА)**

Қашқадарё Вилояти

# Наслли моллар — барака манбаи

**Қашқадарё вилоятидаги "Насл хизмат" МЧЖ жамоаси қорамоллар зотини яхшилашда хориж билан ҳамкорликда ишлаб муайян ютуқларга эришмоқда. Буни 2009 йилнинг ўн бир ойлик якунларидан ҳам билиб олиш мумкин.**



Бундан уч йил муқаддам ташландиқ чорвачилик биноси ўрнида иш бошлаган жамият жамоаси аукцион савдосида бу ерни 26 миллион сўмга сотиб олишди. Қисқа муддатда мазкур жойга 25 миллион сўм инвестиция киритилиб, чорвачилик бинолари қайтадан таъмирланди. Янгидан қўшимча иморатлар бунёд этилди.

— 2008 йилда Украинанинг Днепропетровск вилоятидан 300 бош "Қизил ола", "Қизил чўл" зотли қорамолларни, "Симентал" зотли ғунажинларни олиб келдик, — дейди МЧЖ раиси Аҳад Шарипов.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам хайрли ва савоб ишлар кенг кўламда давом эттириляпти. МЧЖ жамоаси шу йилнинг 12 февралида Украинадан 357 бош "Қизил чўл", "Қизил ола" зотли қорамолларни келтирди. Шунингдек, жорий йилнинг 14 мартида эса 366 бош хориж ғунажинлари олиб келинди. Яқинда яна Украинадан 200 бош зотли қорамол харид қилинди.

— Биз чет элдан олиб келинган қорамолларни 20 кун мобайнида карантинда сақлаймиз, — дейди ветеринария бош врачи Абдулҳамид Сафаров. — Ҳар ўн беш кунда турли касалликларга қарши эмлаб турамиз. Бу эса ғунажинларни бизнинг иқлимимизга ҳам мослашган ҳолда соғлом ўсишига имкон беряпти. Бу эса ўзимизда парвариш қилинаётган 40 бош "Қора ола" зотли говмишларнинг 20 бошидан ана шунча бузоқ олиш имконини берди. Айни пайтда улардан ҳар куни 250-300 литрдан сут соғиб олиняпти. Унинг бир қисми сутни қайта ишлаш корхоналарига топширилмоқда.

МЧЖда Украинадан олиб келинган "Симентал" зотли ғунажинлар салқин жойга мослашганлиги инобатга олиниб, Шаҳрисабздаги "Дон халқ ризқи" АК 15 бош, Яккабоғ туманидаги "Дурдона" фермер хўжалиги 10 бош харид қилди. Голштейн зотли қорамоллар "Қизил чўл" зотли ғунажинлар билан чатиштирилиб, "Қизил ола" зотли наслдор моллар олинган. Натижада бу зотли моллар бизнинг иссиқ иқлимимизга ҳам тезда мослашиб кетди. Бунга қорамолларни зооветеринария қоидалари асосида парваришлаш, молхоналарнинг санитария ҳолатига асосий эътибор қаратиш туфайли эришиляпти.

Масъулияти чекланган жамиятда истиқболдаги режалар янада юксак. Улар энг аввало наслли қорамоллар етиштиришни йўлга қўйишмоқчи. Бунга зотдор ғунажинларни сунъий қочириш орқали эришилади. Шунингдек, ҳар бир туманда жамиятнинг филиаллари иш бошлайди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган Вилояти

## ЁШЛАРИМИЗ БОШ ҚОМУС БИЛИМДОНЛАРИ

**Шу кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб мустақил давлатимизнинг Бош Қомуси, тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қонуний пойдевори бўлган Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишлаб анжуманлар, тантаналар ўтказилмоқда. Худди шундай анжуман куни кеча бизнинг мактабимизда ҳам бўлиб ўтди.**

Бу байрам тадбирига ўқувчилар ва устоз мураббийлар ҳам ўзгача кўтаринкилик, ижодий изланишлар билан ҳозирлик кўришди. Унда сўзга чиққан устозлар, ўқувчилар Бош Қомусимизда мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, умуман, жамиятнинг тўлақонли ва муносиб аъзоси бўлиб етишиши учун шарт-шароитлар белгилаб қўйилгани, фуқароларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга катта эътибор қаратилганини фахр-ифтихор ҳисси ила эътироф этишди.

Ўтган йилларда Бош Қомус асосида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга билим ва тарбия бериш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоялаш, ўз қизиқиши ва лаёқати, ижодий-интеллектуал салоҳиятига мос касб-ҳунар эгаллашига йўналтирилган бир қатор, шу жумладан, "Таълим тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ва дастурлар қабул қилинганлиги қайд этиб ўтилди. Айниқса, мактабимизда таълим олаётган ўқувчиларнинг Конституциямизни ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини англашдаги билимдонлиги ва саводхонлиги биз ўқитувчиларни беҳад қувонтирди. Бу саводхонлик улар томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари, билимдонлик беллашувларида яққол намоён бўлди.

Шу билан бирга, Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган кафолатлар ва ифода этилган меъёрларни кундалик ҳаётда қарор топтириш учун барчамиздан ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий фаоллик талаб этилиши, буни амалга ошириш ҳар биримизнинг конституциявий бурчимиз эканлиги сўзга чиққанлар нутқида қайта-қайта айтиб ўтилди.

**Рухсора ТУРСУНОВА,**
**Учқўрғон туманидаги**
**40-умумтаълим мактаби**
**тарих фани ўқитувчиси.**

Байрамлар, қутлуғ саналар, шодиёна кунлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрь алоҳида ўринга эга. Чунки Асосий Қонунда мустақил мамлакатимиз фуқароларининг эркинликлари ва ҳуқуқлари кафолатланган, республикамизни тараққий эттиришнинг асосий тамойиллари ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам бу умумхалқ байрамини халқимиз катта хурсандчилик билан нишонлайди.

"Тошкентгазтаъминот"
унитар корхонаси жамоаси

умумхалқ байрами билан ўзининг барча касбдошларини, мамлакатимиз халқини самимий муборакбод этади. Юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, келгуси ишларига катта муваффақиятлар, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик, қут-барака тилайди.



"ЎЗВИНОСАНОАТХОЛДИНГ"
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

Юртдошларимизни 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати билан чин дилдан муборакбод этади.
Жаннатмонанд юртимизнинг бугунги осуда ҳаётига асло кўз тегмасин, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.





*Байрам муборак, қадрли ватандошлар!*

**"БОЁВУТ-АРНАСОЙ" ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИНИНГ КЎПСОНЛИ ЖАМОАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами билан тизимда меҳнат қилаётган барча касбдошларини, ҳамюртларимизни самимий муборакбод этади.**

**Юртимизда обиҳаёт мўл бўлиб, келгуси йил ҳосили бундан ҳам баракали бўлсин.**






*Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ўз тайёрлов шохобчаларида 20 минг 454 тонна пахта хомашёсини қабул қилиб, уни сифатли қайта ишлаётган Тошкент вилоятининг "ЧИНОЗ ПАХТА ТОЗАЛАШ" очиқ акциядорлик жамияти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун билан соҳа ходимларини, юртдошларимизни қизгин қутлайди.*



*Табригимиз сизга, азизлар!*

**"АСАКА" БАНКИ (ОАЖ)НИНГ**
**Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси**

мамлакатимиз аҳлини умумхалқ байрами — Ўзбекистон Конституцияси куни билан чин дилдан муборакбод этади. Юртдошларимизни ҳуқуқ ва бурчларимиз кафолатланган Асосий Қонунимиз қабул қилинган сана билан табриклар эканмиз, уларга сиҳат-саломатлик, келгуси ишларига равнақ, хонадонларига эса тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.





Самарқанд Вилояти

## МЕҲРИМ СЕНГА, БОЛАЖОН!

***Самарқандда Республика халқ таълими вазирлиги ҳамда "Сен ёлғиз эмассан" жамоатчилик жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган "Энг яхши меҳрибонлик уйи" ва "Энг яхши меҳрибонлик уйи тарбиячиси" кўрик-танловларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Икки йилда бир марта "Юрагимни сенга бағишлайман, болажон" шиори остида ўтказиладиган ушбу танловда Самарқанд шаҳридаги 6-сон Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Камола Ғаниева 1-ўринга лойиқ топилди ва жорий йилнинг декабрь ойида Гулистон шаҳрида бўлиб ўтадиган ҳудудий босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. 10-Меҳрибонлик уйи вакили М.Тўхтаева иккинчи, 11-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Д.Нарзуллаева учинчи ўрин соҳиби бўлди.

"Энг яхши меҳрибонлик уйи" танловида эса ғолиблик 6-сон Меҳрибонлик уйи жамоасига насиб этди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**


**АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!**

*Сизларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати билан табриклаймиз. Хонадонларингиздан аҳиллик, файзу барака аримасин. Доимо юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ризқимиз бутун, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлсин.*

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ БОШҚАРМАСИ



discover

OPEL

**Ташкилот сотади**
**БАРЧА МОДЕЛЛАР МАВЖУД**

"Adam Opel AG" компаниясининг расмий дилери "SANAR" ХК
Тошкент ш. У. Носир к.(мўлжал — Жанубий вокзал, кичик халқа йўли)
тел.: (+998 71) 140-00-61, 140-00-62
моб.:(+998 90) 325-88-87, 178-75-77 e-mail: opel@sanar.uz

Маҳсулот сертификатланган



**ТАШКИЛОТ СОТАДИ**
**Volkswagen PASSAT**
2009 йил ишлаб чиқарилган




Маҳсулот сертификатланган
Тўлов шакли - пул ўтказиш йўли билан
**Тел.: (+99871) 140-00-62, (+99890) 317-67-97**

Наманган Вилояти

# ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКНИНГ ЁРДАМИ КАТТА

**Кейинги йилларда юртимизда муайян фанларни чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган таълим муассасалари сони ортиб бормоқда. Мингбулоқ туманидаги 14-мактаб негизида ташкил этилган мактаб-интернат ҳам ана шундай илм масканларидан бири. Ушбу таълим даргоҳининг ташкил этилишида ва оёққа туришида мактаб-интернат директори Матлуба Мадаминованинг хизматлари эътирофга арзигулик.**

1997 йил Японияда таълим муаммоларига бағишланган илмий анжуманда иштирок этган Матлуба опа жаҳон таълим тизимида синовдан ўтган илғор педагогик технологияларни ўзлаштириб қайтди ва уларни янада такомиллаштириб, муассасамизда жорий этди. Шу билан бир қаторда мактаб-интернатни замонавий компьютерлар билан таъминлашга, кутубхонани сўнгги йилларда чоп этилган чет тиллардаги адабиёт ва ўқув қўлланмалар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратди. Мактаб-интернатимиз 2003 йилда "Ўзбекистон мактабларида интернет" ривожлантириш дастури ғолиби деб топилиб, интернет тизимига бепул уланиш имтиёзига эга бўлгани ўқитувчи ва ўқувчилар учун қулайлик яратди. 2006-2007 ўқув йилида эса Зарафшон шаҳрида ўтказилган "Йилнинг энг яхши мактаби" танловининг республика босқичида 3-ўринни эгалладик.

Ўқувчиларнинг фан олимпиадаларида эришган муваффақияти улар таҳсил олаётган даргоҳда таълим-тарбия жараёнининг қай даражада йўлга қўйилганидан далолат беради. 2006 йилда мактаб-интернатимиз ўқувчиларидан Жавлон Жўраев ва Назокат Абдураҳмонова фан олимпиадасининг республика босқичида ғолиб бўлиб, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига имтиёзли равишда қабул қилиндилар. Ҳар йили битирувчиларимизнинг 90-95 фоизи олий ўқув юрти талабалари сафидан жой олаётгани ҳам жамоамиз меҳнати беиз кетмаётганини кўрсатади.

Мактаб-интернатимизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида бундан тўққиз йил аввал туман ҳокими қарори билан 15 гектар ер майдони олиб, "Интеграл" ёрдамчи хўжалиги фаолиятини йўлга қўйган эдик. Айни пайтда ушбу хўжаликдан олинаётган даромад синф хоналари ҳамда спорт залини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига йўналтирилмоқда.

Матлуба опа жонкуяр раҳбар, фидойи ўқитувчи бўлиш билан бирга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Мактаб-интернат ошхонасини ўзи раҳбарлик қилаётган "Ривожиддин ҳожи" фермер-хўжалигида етиштирилган сабзавот ва полиз маҳсулотлари, тиббиёт хонасини хусусий дорихонасидан келтирилган биринчи тиббий ёрдам учун зарур дори-дармонлар билан таъминлаб келмоқда. Шунингдек, жорий йилда фермер хўжалигининг 3 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами ҳисобига капитал таъмирдан чиқарилган масканнинг компьютер хонаси, мажлислар зали ва ётоқхонаси жиҳозланди.

Таълим-тарбия соҳаси инсондан юксак билим, сабр-тоқат ва фидойиликни талаб этади. Ана шундай фазилатга эга кишилар билан қўлни қўлга бериб меҳнат қилгинг, эл-юрт равнақи, ёш авлод камолотига ҳисса қўшгинг келади ва бундан чексиз фахр-ифтихор туясан. Жамоамизда бундай инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Зеро, ютуқларимизнинг калити ҳам бирдамлик ва ҳамжиҳатликдадир.

**Санобар АБДУРАҲМОНОВА,**
**Мингбулоқ туманидаги 13-мактаб-интернат ўқитувчиси.**

Навоий Вилояти

# ЯНГИ МАРКАЗЛАР ИШ БОШЛАДИ

**Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрь арафасида халқимиз турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи кўплаб бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани юртдошларимизнинг дилларига сурур бағишламоқда.**

Навоий шаҳрида — вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадларида ташкил этилган "Қалб меҳри" ўқув-ишлаб чиқариш маркази ишга туширилди. Бу масканда айни чоғда бир гуруҳ ёшлар пазандалик, тикиш-бичиш сирларини эгаллашмоқда. Сартарошлик, тўқувчилик каби ўнлаб касб-ҳунарлар ва компьютер сабоқлари уларга ўргатилмоқда.

"Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази" иш бошлагани юртимизда ёш авлод тарбиясига эътибор янада кучайтирилаётганлигини билдиради. Ушбу марказда ташкил этилган маънавият ва маърифат, тиббиёт ва компьютер хоналари болаларни тарбиялаш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, билимини оширишга хизмат қилади.

Бу икки марказнинг очилиш маросимида ҳозир бўлган меҳнат фахрийлари ва кенг жамоатчилик вакиллари Ўзбекистонимизда инсон омилига эътибор тобора ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар.

**Баҳриддин САДРИДДИНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




**Ирригация, мелиорация ва сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар ва магистрантлар**
**ДИҚҚАТИГА!**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ ЕТАКЧИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН "КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ" ДОИРАСИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ 2004 ЙИЛ 26 МАРТДАГИ 79-СОНЛИ БУЙРУҒИГА АСОСАН ОЧИҚ ЛЕКЦИЯЛАР ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**
**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

| № | Маърузачининг фамилияси, исми, шарифи, илмий даражаси ва унвони | Маъруза мавзуси | Сана | Кафедра номи | Ўқув корпуси, аудиторияси, вақти | Маъруза тили |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мадаминова Зулхумор Рузметовна, катта ўқитувчи | Корхона ва ташкилотлар молияси | 9 декабрь 2009 йил | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | Б-243 10.00 | Давлат тилида |
| 2 | Ахатов Абдусамад, т.ф.н., доцент | Шўрланган тупроқлар, уларнинг унумдорлигини ошириш чоралари | 10 декабрь 2009 йил | Экология ва сув ресурсларини бошқариш | Б-317 8.30 | Давлат тилида |
| 3 | Рашидов Жамшид Хамидович, и.ф.н., доцент | Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари | 10 декабрь 2009 йил | Сув хўжалигини бошқариш | Б-121 10.00 | Давлат тилида |
| 4 | Исмаилова Сулув Сарсенбаевна, и.ф.н., катта ўқитувчи | Ер солиғи. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ | 10 декабрь 2009 йил | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | Б-317 12.00 | Давлат тилида |
| 5 | Саидова Мадина Хамидовна, и.ф.н., доцент | Сув хўжалигида кадрлар ва меҳнат унумдорлиги | 11 декабрь 2009 йил | Сув хўжалиги иқтисоди | Б-03 8.30 | Давлат тилида |
| 6 | Камалова Сайёра Рустамовна, катта ўқитувчи | Индивидуально-типологические особенности личности | 11 декабрь 2009 йил | Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси | В-305 8.30 | Рус тилида |
| 7 | Абдуллаев Зафар Сайфутдинович, ф-м. ф.н., доцент | Шахсий компьютернинг структуравий тузилиши. Асосий ва қўшимча қурилмалар. | 11 декабрь 2009 йил | Ахборот технологиялари | 2-зал 8.30 | Давлат тилида |
| 8 | Хажиев Машарип Хажиевич, т.ф.н., доцент | Оддий тишли механизмлар ва уларнинг асосий ўлчамлари | 12 декабрь 2009 йил | Конструкцион материаллар технологияси, амалий механика ва стандартлаштириш | В-107 8.30 | Давлат тилида |
| 9 | Толипов Шухрат Ганиевич, катта ўқитувчи | Надзор за безопасностью гидротехнических сооружении | 12 декабрь 2009 йил | Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари | Г-316 10.00 | Рус тилида |
| 10 | Нуржанов Сатбай Ешжанович, т.ф.н., доцент | Ер ости сувлари режими | 14 декабрь 2009 йил | Гидрология ва гидрогеология | Г-610 10.00 | Давлат тилида |
| 11 | Эрматов Мусожалил Комилович, и.ф.н., катта ўқитувчи | Банкнинг моҳияти ва банк тизими | 14 декабрь 2009 йил | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | Б-226 8.30 | Давлат тилида |
| 12 | Бараев Фридун Ахмедович, т.ф.д., профессор | Илғор чет эл давлатларида фермер хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш режасини тузишда ИСС ОПО усулини қўллаш | 14 декабрь 2009 йил | Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш | Г-606 13.30 | Давлат тилида |
| 13 | Юлдашева Сафаргул Юлдашевна, катта ўқитувчи | Ўзбекистонда сув сифати | 14 декабрь 2009 йил | Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш | Г-605 8.30 | Давлат тилида |
| 14 | Бердишев Абдурахим Сулаймонович, т.ф.н., доцент | Электр ёритиш тармоқларида электр энергиясини тежаш | 15 декабрь 2009 йил | Гидромелиоратив тизимларини электр энергияси билан таъминлаш ва уларнинг электр жиҳозларидан фойдаланиш | В-606 8.30 | Давлат тилида |
| 15 | Фырлина Галина Львовна, катта ўқитувчи | Применение бетона и железобетона в гидромелиоративном строительстве. Гидротехнический бетон и его составляющие | 15 декабрь 2009 йил | Гидромелиорация ишларини ташкил қилиш ва технологияси | В-201 12.00 | Рус тилида |
| 16 | Муқимов Зарип Мажлисович, катта ўқитувчи | Табиат ресурсларини иқтисодий баҳолаш | 15 декабрь 2009 йил | Сув хўжалиги иқтисоди | Б-226 8.30 | Давлат тилида |
| 17 | Сангиров Ровшан Сангирович, т.ф.д., профессор | Ўрта Осиё халқлари ҳаётида IX-XII асрларда юз берган (ренессанс) уйғониш даври. Аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси | 15 декабрь 2009 йил | Гуманитар фанлар | В-512 8.30 | Давлат тилида |
| 18 | Шарипов Сайфуддин Рахимович, катта ўқитувчи | Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларининг ҳуқуқий ҳолати | 16 декабрь 2009 йил | Ер тузиш ва ер муносабатлари | Б-328 10.00 | Давлат тилида |
| 19 | Салиев Баходир Камилович, т.ф.н., доцент | Гидромелиоратив тизимларидан фойдаланиш учун уларни зарур восита — жиҳозлари билан таъминлаш | 16 декабрь 2009 йил | Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш | Г-605 10.00 | Давлат тилида |
| 20 | Исақов Абдусаид Жалилович, т.ф.н., доцент | Асинхрон моторларнинг тузилиши ва уларнинг ишлаши | 16 декабрь 2009 йил | Сув хўжалиги электротехникаси ва уни автоматлаштириш | В-613 10.00 | Давлат тилида |
| 21 | Шаймардонов Бахтиёр Пардаевич, т.ф.д., профессор | Иссиқлик алмашиниш аппаратлари, иссиқлик ҳисоби асослари | 16 декабрь 2009 йил | Гидромелиоратив ишларини механизациялаш | В-317 10.00 | Давлат тилида |
| 22 | Ирмухамедова Людмила, Хасановна, т.ф.н., доцент | Сув хўжалиги қурилишида бетон ва йиғма темир бетон ишлари | 16 декабрь 2009 йил | Гидромелиорация ишларини ташкил қилиш ва технологияси | В-201 8.30 | Давлат тилида |
| 23 | Мирзаев Сойибжон Собитович, т.ф.н., доцент | Математические методы решения экономических задач | 17 декабрь 2009 йил | Ахборот технологиялари | Б-414 12.00 | Рус тилида |
| 24 | Усмонов Тохир Усмонович, катта ўқитувчи | Грунтларни зичловчи машиналарни ҳисоблаш асослари (статик зичловчи машиналар мисолида) | 17 декабрь 2009 йил | Гидромелиоратив ишларини механизациялаш | В-317 10.00 | Давлат тилида |
| 25 | Чертовицкий Александр Степанович, и.ф.д., профессор | Проблемы государственного учета земель в республике | 18 декабрь 2009 йил | Геодезия ва ер кадастри | Б-341 12.00 | Рус тилида |
| 26 | Тўлаганова Маъмура Тўлагановна, т.ф.н., доцент | Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт | 23 декабрь 2009 йил | Гуманитар фанлар | 1-зал 8.30 | Давлат тилида |
| 27 | Уразкелдиев Абдувохид Бахтиёривич, к-х.ф.н., доцент | Суғориш тармоқларидаги иншоотлар ва уларнинг вазифалари | 25 декабрь 2009 йил | Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси | Г-501 8.30 | Давлат тилида |
| 28 | Нишонбоев Қаххор Нишонбоевич, катта ўқитувчи | Текисликнинг умумий ва бошқа кўринишдаги тенгламалари ва уларни ясаш. Текисликка доир асосий масалалар | 11 январь 2010 йил | Олий математика | В-109 8.30 | Давлат тилида |
| 29 | Муқумов Абдуғани Муратович, катта ўқитувчи | Ер тузишни лойиҳалашнинг автоматлашган тизимлари ва географик ахборот тизимларида графика | 15 январь 2010 йил | Ер тузиш ва ер муносабатлари | Б-339 8.30 | Давлат тилида |
| 30 | Рахмонов Қосимжон, и.ф.н., доцент | Ердан фойдаланувчи субъект ҳудудида ер мониторингини ўтказиш | 18 январь 2010 йил | Геодезия ва ер кадастри | Б-322 10.00 | Давлат тилида |
| 31 | Ашуров Абдулло Файзуллаевич, катта ўқитувчи | Туманларда Давлат ер кадастрини ташкил қилиш ва юритиш технологияси | 18 январь 2010 йил | Геодезия ва ер кадастри | Б-323 8.30 | Давлат тилида |
| 32 | Комилов Қамариддин Уринович, катта ўқитувчи | Табиий сувларнинг кимёвий таркибини аниқлаш усуллари | 18 январь 2010 йил | Физика ва кимё | Б-014 12.00 | Давлат тилида |
| 33 | Рустамова Дилбар Рустамовна, катта ўқитувчи | Молия тизими ва молиявий сиёсат | 18 январь 2010 йил | Иқтисодий назария асослари | В-613 8.30 | Давлат тилида |
| 34 | Ахмедов Икромали, т.ф.н., доцент | Фавқулодда вазиятлар | 20 январь 2010 йил | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | В-317 10.00 | Давлат тилида |
| 35 | Ботиров Шавкат Чориевич, к-х.ф.н., катта ўқитувчи | Зах қочириш мелиорациясининг зарурлиги. Шўрланиш ва унга қарши кураш чоралари. Тупроқдаги тузларнинг таркиби, таъсири ва уларнинг чегаравий миқдорлари | 21 январь 2010 йил | Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси | Г-505 10.00 | Давлат тилида |
| 36 | Асамова Рано Зайнутдиновна, п.ф.н., доцент | Мутахассис шахсини шакллантиришнинг педагогик ва психологик асослари | 22 январь 2010 йил | Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси | В- 512 10.00 | Давлат тилида |
| 37 | Абдурахимов Хожиакбар Абдурахмонович, к.ф.н., доцент | Коллоид тизимлар | 22 январь 2010 йил | Физика ва кимё | А-120 8.30 | Давлат тилида |
| 38 | Иргашев Арифжон Акромович, т.ф.н., доцент | Вал ва ўқлар ҳақида умумий тушунчалар | 22 январь 2010 йил | Конструкцион материаллар технологияси, амалий механика ва стандартлаштириш | В-107 12.00 | Давлат тилида |
| 39 | Юсупов Мажид Юсупович, ф-м.ф.н., доцент | Такрорланувчи алгоритмлар ва уларни дастурлаш | 23 январь 2010 йил | Ахборот технологиялари | Б-411 8.30 | Давлат тилида |
| 40 | Ахмедов Абдумирхаким Мирхалилович, доцент в.б. | Ўзгармас электр токи | 23 январь 2010 йил | Физика ва кимё | 4- зал 8.30 | Давлат тилида |
| 41 | Кан Эдуард Климентиевич, т.ф.н., доцент в.б | Трубопроводы насосных станций | 25 январь 2010 йил | Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш | Г-305 12.00 | Рус тилида |
| 42 | Базаров Рахматулла Хасанович, т.ф.н., доцент | Ишлаб турган суғориш тармоқларини ҳақиқий фойдали иш коэффициентини ошириш усули | 25 январь 2010 йил | Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш | Г-607 10.00 | Давлат тилида |
| 43 | Бахронов Хаёт Нурович, катта ўқитувчи | Электромагнит тўлқинлар. Ёруғлик интерференцияси | 26 январь 2010 йил | Физика ва кимё | А-120 8.30 | Давлат тилида |
| 44 | Ўразалиева Гулшода Бекпўлатовна, с.ф.н., доцент | Жамоатчилик фикри социологияси | 26 январь 2010 йил | Гуманитар фанлар | 2 - зал 8.30 | Давлат тилида |
| 45 | Годованников Александр Максимилианович, т.ф.н., доцент | Расчет многопролетных балок | 26 январь 2010 йил | Назарий ва қурилиш механикаси | Г-405 13.30 | Рус тилида |
| 46 | Файзуллаева Турсуной Рахматуллаевна, и.ф.н., доцент | Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш истиқболлари | 28 январь 2010 йил | Иқтисодий назария асослари | 6 - зал 10.00 | Давлат тилида |
| 47 | Кучкарова Дилорам Файзуллаевна, т.ф.д., профессор | Йиғиш чизма ҳақида умумий маълумотлар. Йиғиш чизма турлари. Йиғиш чизмасини деталларга ажратиш, уларни иш чизмалари ва спецификация. Йиғма чизмаларини чизишда конструктив ва технологик талабларни бажариш. Схемалар ҳақида умумий маълумотлар: кинематик ва электротехник схемалар | 28 январь 2010 йил | Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси | В-406 8.30 | Давлат тилида |

**ИНСТИТУТ ЎҚУВ-МЕТОДИКА БЎЛИМИ**

Сирдарё Вилояти

# "ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, АЗИЗ МАҲАЛЛАМ"

**Гулистон шаҳридаги Олим Хўжаев номидаги мусиқали драма театрида "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам" шиори остида ўтказилаётган "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танловининг республика минтақавий босқичи якунланди.**

Унда Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Андижон, Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари вакиллари ўзаро куч синашишди. Кўрик-танловнинг "Маҳаллам тарихидан" деб номланган шартида ёшлар ўзлари умргузаронлик қилаётган маҳаллаларнинг тарихи, миллий қадриятларимиз ва мустақиллик йилларида қўлга киритилаётган ютуқларни саҳна кўринишлари орқали намойиш этдилар.

Якуний натижаларга кўра Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги Деҳқонобод маҳалласи жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти, учинчи ўрин Андижон, Тошкент, Наманган ва Жиззах вилоятлари вакилларига насиб этди.

**Вилоят Маънавият тарғибот марказида журналист Мунаввар Пардаевнинг "Сирдарё матбуоти фидойилари" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда зиёлилар, китобда номи тилга олинган ижодкорларнинг оила аъзолари, журналистлар корпуси, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

# МАТБУОТ ФИДОЙИЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Гулистон давлат университети профессори Анқабой Қулжонов, кекса журналист Саминжон Султонов, Гулистон давлат университети проректори Равшанбек Маҳмудов, доцент Умрзоқ Ўлжабоев, шоира Баҳор Холбекова, "Университет овози" газетаси бош муҳаррири Ҳасан Абдувоҳидов, вилоят архиви раҳбари Ҳожар Жамолова ушбу китоб муаллифининг кўп йиллик изланишлари натижаси эканини таъкидладилар.

Китобнинг тўлдирилган иккинчи нашрини ҳам чоп эттириш, журналистикада ўзига хос мактаб яратган қалам соҳиблари ҳақида рисолалар яратиш тўғрисидаги таклифлар ўртага ташланди. Тадбир қатнашчилари китобни чоп этишга ҳомийлик қилган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлимига миннатдорчилик билдирдилар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

